

## Корея Бош вазири ўринбосари Ўзбекистон Миллий кутубхонасида меҳмон бўлди

04 мая 2015



Корея Бош вазири ўринбосари Ўзбекистон Миллий кутубхонасида меҳмон бўлди. 2 май куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасига Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Чой Кёнг Хван ташриф буюрди.

Меҳмон Миллий кутубхона бўйлаб кутубхонанинг кундалик ҳаётига тадбиқ этилган замонавий ахборот-кутубхона технологиялари билан таништирилди. Кутубхона ахборот хизматининг [хабарига кўра](#), Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси замонавий ускуналар ва қўлёзмалар, китоблар ва китоб фондларида сақланувчи бошқа нашрлар билан ишлашга мўлжалланган электрон воситалар билан жихозланган. Миллий кутубхонада “Кореяга йўл” махсус зали фаолият кўрсатади, чет тилларни ўрганиш Марказида эса корейс тилини ўрганиш йўлга қўйилган.